



Ўзбекистон bunyodkori

Строитель Узбекистана

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Якка тартибдаги
уй-жойлар ҳамда
кичик ҳажмдаги
нотурар бино
ва иншоотларни
қуриш ҳамда
реконструкция
қилиш ишлари
юзасидан
хусусий қурилиш
назоратини амалга
ошириш тартиби
тўғрисидаги
низомни
тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2025 йил 14 апрелдаги ПФ-66-сон Фармони ҳамда "Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2025 йил 27 февралдаги ПҚ-78-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, якка тартибдаги уй-жойлар ҳамда кичик ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари юзасидан қурилиш назоратини кучайтиришнинг таъсирчан замонавий механизмни жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2025 йил 14 апрелдаги ПФ-66-сон Фармони мувофиқ:

якка тартибдаги уй-жойлар ва кичик ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари юзасидан қурилиш назорати хусусий сектор (кейинги ўринларда – хусусий қурилиш назорати) томонидан бажарилиши;

хусусий қурилиш назорати архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензияга эга бўлган ҳамда қурилиш объекти лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини ишлаб чиққан лойиҳа ташкилоти (кейинги ўринларда – лойиҳачи) томонидан шартнома асосида амалга оширилиши;

хусусий қурилиш назорати объектларида қурилиш (реконструкция ишлари) якунига етгандан сўнг лойиҳачи томонидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида хулоса шакллантирилиши ва буюртмачига тақдим этилиши;

қурилиш (реконструкция ишлари) тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома тегишли туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари (Тошкент шаҳрида – туман қурилиш бўлимлари) томонидан берилиши;

хусусий қурилиш назорати амалга оширилмаганда ёки назоратни амалга оширган лойиҳачининг ижобий хулосаси мавжуд бўлмаганда, объектларни фойдаланишга қабул қилиш таққиқлашнинг белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Якка тартибдаги уй-жойлар ҳамда кичик ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари юзасидан хусусий қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, ушбу қарор билан белгиланган тартиб мазкур қарор тасдиқланган санадан олдин қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилган икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олманган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони (ердамчи хўжалик иморатларини ҳисобга олманган ҳолда) 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган якка тартибдаги уй-жойлар, қурилиш ҳажми 300 куб метрдан ортиқ бўлмаган нотурар бино ва иншоотларга нисбатан таъбиқ этилмайди.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Ж. Раматов ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш. С. Хидоятов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2026 йил 13 апрель
167-сон



Мақсадимиз –

барқарор ва
самарали
инфратузилма
яратишдан
иборат

Жиззахда бунёдкорлик авжيدا ▶

Бобур МАМАТОВ,
Жиззах вилояти Қурилиш
ва уй-жой коммунал
хўжалиги бош
бошқармаси бошлиғи.

Бугунги кунда ҳудудларда амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари нафақат ташқи кўринишни янгилаш, балки аҳолининг кундалик турмуш сифатини тубдан яхшилашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнлар шаҳар ва туманлар инфратузилмасини замонавий талаблар асосида қайта шакллантириш, мавжуд уй-жой фондиди сақлаб қолиш ва уни самарали бошқариш тизимини йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.



Кўп қаватли уйлар – шаҳар ҳаётининг барометри

Жиззах вилоятидаги мавжуд 2566 та кўп қаватли уйлар бугунги урбанизация жараёнида муҳим ўрин тутади, шаҳар инфратузилмасининг асосий таянчи сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу уй-жойларга 34 та бошқарув

сервис компанияси томонидан хизмат кўрсатилаётгани эса соҳада бошқаруving янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Бу компаниялар фаолияти орқали уй-жойларни сақлаш, таъмирлаш, санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда муҳандислик тизимларини узлуксиз ишлашини таъминлаш каби вазифалар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Мазкур кўрсаткичларнинг ўзиек уй-жой

фондини бошқариш тизими аста-секин профессионал асосга ўтаётганини, яъни тартибсиз ёндашув ўрнини аниқ режа ва механизмларга асосланган бошқарув эгаллаётганини кўрсатади. Айниқса, 87 та уйда мавжуд бўлган 179 та лифт ускунасининг фаолияти кўп қаватли биноларда яшовчи аҳоли учун қўлайлик яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.



Ақлли светофорлар – ҳақиқатдан ҳам тирбандликни камайтирадимиз?

Бугун пойтахтимизда светофорларнинг кенг қўламда алмаштирилаётганига кўпчилик эътибор қаратмоқда. Шу ўринда аҳолида ҳақли савол туғилмоқда: ташқи кўринишидан бақувват бўлган устунларни нега алмаштириш керак ва шунчаки эски ускуналарни янгилаб қўйишса бўлмайди?

Райҳона ХУЖАЕВА,
"Ўзбекистон bunyodkori" мухбири.

Аслида, бу шунчаки чироқларни алмаштириш эмас – бу йўлларнинг "рақамли мияси"ни яратишдир. Бу орқали интеллектуал транспорт тизими жорий этилмоқда. Бу тизим ҳар бир чорраҳани шунчаки "тўхташ ва ҳаракатланиш жойи" эмас, балки вазиятни таҳлил қилиб, оқимни ақлли бошқарадиган марказга айлантиради.

Мослашувчан бошқарув – светофор махсус датчиклар орқали машиналар оқимини "кўради". Агар бир йўналиш бўш бўлса, у яшил чироқни беҳуда ёндириб турмайди, балки тирбандлик юзага келган томонга тезроқ йўл беради. Жамоат транспортга устуворлик – тизим яқинлашаётган автобусни таниди ва унинг жадвалдан кечикмаслиги учун яшил чироқ вақтининг автоматик узайтириш бериши мумкин. Хавф-

сизлик – янги объектлар товушли сигналлар ва замонавий қақирув турмалири билан жиҳозланмоқда, бу эса шаҳарни барча пиёдалар учун қулайроқ қилади.

Асосий хусусиятлари ва афзалликлари

Ақлли светофорлар – бу йўлдаги ҳақиқий вазиятга (транспорт оқими) қараб, чироқларнинг ёниб-ўчиш вақтини автоматик равишда бошқарадиган интеллектуал тизимдир. Улар махсус датчиклар ва камералар ёрдамида тирбандликни камайтириш, ҳаракат хавфсизлигини ошириш ва йўл ўтказувчанлигини яхшилаш учун реал вақтда қарор қабул қилади.

Хусусан:

- **мослашувчанлик:** одатдаги светофорлар каби белгиланган вақтда эмас (масалан, ҳар 30 сонияда), балки ҳақиқий тирбандликка қараб яшил ёки қизил чироқни узайтиради ёки қисқартиради;
- **тирбандликни бошқариш:** транспорт кўп бўлган йўналишда яшил чироқни узокроқ ёқиб, тирбандликни камайтиради;
- **камера ва датчиклар:** чорраҳадаги ҳаракатни таҳлил қилиш учун видеокамералар ва датчиклардан фойдаланади;
- **ягона тармоқ:** шаҳардаги барча ақлли светофорлар ўзаро боғланиб, ягона Интеллектуал транспорт тизими (ИТТ) сифатида ишлайди;
- **пиёдалар хавфсизлиги:** пиёдалар ўтиш жойида одамлар бўлса, уларга ҳам мослаша олади.

Лицензия талаблари бўйича янги мониторинг тизими

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида лойиҳа-қидирув ташкилотларининг лицензия талабларига риоя этилиши устидан янги мониторинг тизими (lic.mc.uz) жорий этилганидан хабарингиз бор.

Мазкур тизим Президентимизнинг 2025 йил 1 декабрдаги ПФ-236-сон Фармони мувофиқ, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, у орқали лицензияга эга ташкилотлар фаолияти инсон омили, автоматик тарзда таҳлил қилинмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, лицензия – бу ташкилотга фақат белгиланган талаб ва шартларга тўлиқ риоя этилган тақдирда фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади. Хусусан, лойиҳа-қидирув ташкилотлари таркибида етарли малакали мутахассислар мавжуд бўлиши, уларнинг иш стажы, сертификатлари ва меҳнат муносабатлари белгиланган мезонларга мос келиши шарт.

Мазкур тизим орқали ташкилотларнинг лицензия талаб ва шартларига мувофиқ иш юритиши доимий равишда таҳлил қилиниб, камчиликлар реал вақт режимида аниқланмоқда.

Мониторинг натижалари соҳада тизимли камчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Жумладан:

- 50 фойздан ортиқ ҳолатда ташкилотлар лицензия олгандан сўнг мутахассислар билан меҳнат шартномаларини бекор қилган;
- 40 фойздан ортиғида ходимларга белгиланган меҳнат ҳақи тўланмаган;
- 30 фойздан ортиғида мутахассисларнинг малака ошириши таъминланмаган;
- 20 фойздан ортиғида бир мутахассис бир вақтнинг ўзида бир нечта ташкилотда асосий иш жойи сифатида расмийлаштирилган;



шунингдек, лойиҳа-қидирув ташкилотларининг "лоиҳа бош муҳандиси", "лоиҳа бош архитектори", "архитектор", "конструктор" ва "технолог" каби энг муҳим мутахассис лавозимларига таълим, санъат, адабиёт ва тиббиёт каби таълим йўналишларини тамомлаган шахслар ишга олинб, объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари уларнинг иштирокида ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, 2485 та лойиҳа-қидирув ташкилотидан атиги 106 таси (4,3 фойз) лицензия талаб ва шартларига тўлиқ риоя қилган ҳолда фаолият юритаётгани аниқланган. Аниқланган камчиликлар юзасидан 2 мингдан ортиқ ташкилотларга уларни бартараф этиш бўйича огоҳлантиришлар юборилган. Хусусан, ҳар бир ташкилот учун алоҳида электрон кабинет очилиб, камчиликларни реал вақт режимида кузатиш ва босқичма-босқич бартараф этиш имконияти яратилди.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунга кўра, лицензия талаб ва шартлари бузилган тақдирда унинг амал қилиши тўхтатилиши ёки суд тартибиде бекор қилиниши мумкин. Шу билан бирга, ташкилотларга фаолиятини тартибга келтириш учун зарур муддат ва имкониятлар берилмоқда.

Қайд этиш жоизки, биноларнинг хавфсизлиги ва сейсмик мустаҳкамлиги бевоқифа лойиҳа ҳужжатларининг сифатли ишлаб чиқишига боғлиқ. Бу эса, фақат малакали мутахассислар иштирокида ва лицензия талабларига қатъий риоя этилган ҳолда таъминланади.

Ўз мухбиримиз.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



Мақсадимиз – барқарор ва самарали инфратузилма яратишдан иборат

➔ **1** Лифтлар нафақат қулайлик, балки замонавий шаҳар ҳаётининг ажралмас элементи сифатида инсонларнинг кундалик ҳаракатлигини енгилаштиради, айниқса, ёши катта фуқаролар, болали оилалар ва имконияти чекланган шахслар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан қараганда, уй-жой фондини модернизация қилиш ва уни самарали бошқариш тизимини ривожлантириш бугунги кунда нафақат қурилиш соҳаси, балки ижтимоий сис-теманинг ҳам устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Рақамлар ортидаги реал ўзгаришлар

Жорий йилда вилоятда кўп квартиралли уй-жой фондини яхшилаш мақсадида 256,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилган тизимли ёндашувнинг ёрқин ифодасидир. Ушбу маблағлар ҳисобидан 1783 та уйда кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу жараён фақат ташқи ўзгаришлар билан чекланиб қолмай, балки:

- 1434 та уй фасадининг базальт билан қопланиши,
- 286,9 минг м² том қисмларининг таъмирланиши,
- 317 та кириш йўлақларининг янгиланиши,
- ички муҳандислик коммуникацияларининг тикланиши,
- 2274 та электр тақсимловчи шитларнинг янгиланиши,
- 1296 та ташқи ёритиш мосламаларининг ўрнатилиши каби комплекс ишларни ўз ичига олади.


Бу рақамлар оддий статистика эмас, улар 100 мингдан ортиқ аҳолининг яшаш шароити яхшиланаётганини билдиради.

Давлат дастурлари – ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи

Мазкур ишларнинг турли даражадаги давлат қарорлари асосида амалга оширилаётгани уларнинг тасодифий эмас, балки пухта ўйланган стратегик ёндашув мақсули эканини кўрсатади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида куз-киш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бу жараёнда уй-жойлар, муҳандислик тармоқлари ва ижтимоий объектларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Президент қарорлари асосида ажратилаётган йирик молиявий маблағлар инфратузилма лойиҳаларини кенг миқёсда амалга ошириш имконини бермоқда. Бу маблағлар ҳисобидан нафақат мавжуд тизимлар таъмирланмоқда, балки замонавий технологиялар асосида янгилари ҳам барпо этиляпти. Вилоят халқ депутатлари кенгаши қарорлари орқали эса ҳудудий лойиҳаларнинг манзилли молиялаштирилиши таъминланиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига эса ҳэтиё ва муаммолари инобатта олинмоқда.

Буларнинг барчаси ягона, изчил ва кўп bosқичли бошқарув тизими шаклланишини раивожлантириш жараёни эндиликда фақат марказдан бошқариладиган умумий сисёат билан чекланиб қолмаяпти. Аксинча, ҳудудларнинг реал эҳтиёжлари, мавжуд муаммолари ва имкониятларидан келиб чиқиб, манзилли ёндашув асосида амалга оширилмоқда. Бу эса, олиб борилаётган ислохотларнинг самардорлигини ошириб, аҳоли учун янада сезиларли натижалар беришига хизмат қилмоқда.



▼ Янги массивлар ҳудудларга кўрқ бағишламоқда.

Иссиқлик таъминоти – эскидан замонавий тизимга ўтиш

Иссиқлик таъминоти соҳаси узоқ йиллар давомида энг муаммолли йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган бўлсада, бугунги кунда ушбу тизимни тубдан ислох қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар bosқичма-bosқич амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнлар нафақат мавжуд муаммоларни бартараф этиш, балки соҳани замонавий, энергиятежамкор ва барқарор тизимга айлантиришни кўзда туттади.

Статистик маълумотлар ҳам бу йўналишда ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар кўпчилигини кўрсатади. Хусусан, вилоятда мавжуд 2448 та кўп квартиралли уйнинг атиги 690 таси, яъни 28 фоизи марказлашган ёки индивидуал иссиқлик таъминоти тизимига уланган бўлса, қолган 1758 таси, яъни 72 фоизи ҳануз турли муқобил иситиш воситаларидан фойдаланишга мажбур. Бу эса, ўз навбатида, энергия самардорлигининг пастлиги, кўшимча харажатлар ва айрим ҳолларда қулайлик даражасининг етарли эмаслиги каби муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур муаммони комплекс ҳал этиш мақсадида бир қатор аниқ ва тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, мавжуд 12 та қозонхона фаолияти қайта тикланиб, уларнинг самарадорлиги оширилмоқда. Шу билан бирга, янги қозонхоналар қурилиши ҳамда эскиларини реконструкция қилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, дастурлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инвиратузилмасини ривожлантириш чора талбирлари тўғрисида”ги ПК-454-сон қарорига асосан, 2025-2026 йилларда 100,0 миллиард сўм маблағлар ҳисобидан Жиззах шаҳар “Иттифок” МФЙдаги РК-1 сонли қозонхона ҳудудидан когенерация технологиясини жорий этиш орқали 5,1 мВт электр ва 14 мВт иссиқлик энергияларини ишлаб чиқарувчи қозонхона, 6 километр иссиқлик тармоқларини қуриш ва 67 та иссиқлик пунктини қуриш режалаштирилган. 2025 йилги дастур доирасида 32,8 миллиард сўм бюджет маблағлари ажратилган бўлиб, 6 километр иссиқлик тармоқлари қуриш ва 67 та иссиқлик пунктлари ўрнатиш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, Шароф Рашидов туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви қозонхонасининг Иссиқлик тармоқларига қўшимча 3,8 километр тармоқ қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун 8,5 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳалаш ишлари бошланган.

Дўстлик тумани “Чинобод” МФЙдаги “Янги Ўзбекистон” массивида барпо этилган кўп қаватли уйлари марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида йилдан-йилга ўтувчи объект сифатида ҳудуддаги мавжуд қозонхонани реконструкция қилиш учун жорий йилда жами 17,1 миллиард сўм маблағ ажратилган. 1 та янги қозонхона ва 3,8 километр иссиқлик тармоқларини қуриш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда 1 та янги қозонхона қуриш ишлари яқунланиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 19 та кўп қаватли уй ва 3 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик тармоғига уланган.

Энг эътиборга молик жиҳатлардан бири эса, соҳада замонавий когенерация технологияларининг жорий этиляётганидир. Ушбу технологиялар аънаваний иситиш тизимларидан фарқли равишда бир вақтнинг ўзида ҳам иссиқлик, ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Бу эса, нафақат ресурслардан самарали фойдаланиш, балки энергия таъминотида мустақиллиكنи ошириш ва иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади. Умуман олганда, иссиқлик таъминоти тизимидаги мазкур янгиланишлар яқин йилларда аҳолининг турмуш сифатини сезиларли даражада яхши-лашга хизмат қилиши кутилмоқда.

Ичимлик суви – ҳаёт сифати мезони

Аҳоли фаровонлигининг энг муҳим ва бевосита ҳаёт сифати билан боғлиқ кўрсаткичларидан яна бири бу – тоза ичимлик суви ҳамда замонавий канализация тизимларидир. Ушбу икки омил нафақат қулайлик, балки санитария-гигиена, соғлиқни сақлаш ва экологик барқарорлиكنи таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

2025 йил бошидаги ҳолатга кўра, вилоятда ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 73,8 фоизни ташкил этган бўлса, канализация хизматлари билан қамров атиги 21,1 фоиз даражасида қолмоқда. Бу кўрсаткичлар, албатта, маълум ижобий натижаларни акс эттиради, бироқ улар ҳали тўлиқ қониқарли эмаслигини ҳам кўрсатади. Айниқса, канализация тизими қамрови пастлиги ҳудудий инфратузилма ривожидида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шунга қарамай, сўнгги йилларда амалга оширилаётган изчил инвестициялар ва инфратузилма лойиҳалари ижобий динамикани юзага келтирмоқда. Бу эса яқин истиқболда ичимлик суви ва канализация хизматлари қамровини сезиларли даражада кенгайтириш, натижада эса аҳолининг турмуш сифатини янада яхшилаш имконини беради.

Инвестициялар ва аниқ натижалар

2025 йилда соҳага йўналтирилган 339,5 миллиард сўм миқдоридидаги маблағ инфратузилмани ривожлантириш жараёнида муҳим бурилиш нуқтасига айланди. Мазкур инвестициялар нафақат мавжуд муаммоларни bosқичма-bosқич бартараф этиш, балки тизимни замонавий талабларга мос равишда янгилашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ажратилган маблағлар реал натижалар билан ўз ифодасини топаётганидир.

Хусусан, амалга оширилган ишлар натижасида 37,4 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди. Бу эса, минглаб оилаларнинг кундалик турмушида сезиларли енгилиш яратди. Шу билан бирга, 78,4 минг нафар аҳолининг канализация хизматларига эга бўлиши санитария-гигиена шароитларига эга бўлиши маълум қадам бўлди. Натижада ичимлик суви билан қамров даражаси 76,2 фоизга, канализация хизматлари эса 26,2 фоизга етказилди. Бу кўрсаткичлар инфратузилма соҳасида олиб борилятган ислохотларнинг самарадорлигини яққол намоён этади.

2026 йилги режалар – янада юқори марралар сари

Келгуси йил учун белгиланган режалар эса янада кенг қамровли ва истиқболли экани билан ажралиб туради. Режалаштирилган лойиҳалар доирасида 309,4 километр ичимлик суви ҳамда 179,5 километр канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ўнлаб янги сув ва оқова сув иншоотларини барпо этиш орқали тизимни янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш режалаштирилмоқда.

Мазкур ишларнинг изчил амалга оширилиши натижасида ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 80,2 фоизга, канализация хизматлари қамрови эса 34,1 фоизга етказилиши кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг турмуш сифати ва санитария ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига янги сурбат бағиш-лашга хизмат қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳудудларда амалга оширилаётган инфратузилма ислохотлари оддий қурилиш ёки таъмирлаш ишлари доирасидан алақачон чиқиб кетган. Улар бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим драйверига, яъни ривожланиши ҳаракатга келтирувчи асосий омиллардан бирига айланиб бормоқда. Чунки инфратузилма – бу фақат йўл, бино ёки тармоқлар эмас, балки инсоннинг кундалик ҳаёти, қулайлиги ва фаровонлиги билан бевосита боғлиқ тизимдир.

Кўп квартиралли уйлارнинг таъмирланиши орқали яшаш шароитларининг яхшиланаётгани, иссиқлик таъминоти тизимининг модернизация қилиниши натижасида энергия самардорлигининг ошаётгани, ичимлик суви ва канализация тизимларининг кенгайтирилиши эса санитария ва гигиена даражасининг юксалаётгани – буларнинг барчаси аҳоли турмуш сифатини комплекс тарзда яхшилашга хизмат қилмоқда. Айниқса, бу ўзгаришлар аҳолининг кундалик ҳаётида бевосита сезилаётгани билан аҳамиятлидир.

Энг муҳими, мазкур жараёнлар тартибсиз ёки қисқа муддатли ташаббуслар асосида эмас, балки аниқ режалаштирилган, тизимли ва узоқ муддатли стратегия асосида амалга оширилмоқда. Бу эса, нафақат бугунги муаммоларни ҳал этиш, балки келажакда барқарор ва самарали инфратузилма тизимини шакллантиришга замин яратади.

“Муборакнефтьгазмонтаж” АЖ

акциядорлари диққатига!

Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган “Муборакнефтьгазмонтаж” АЖ жамиятнинг шу манзилда жойлашган мажлислар залида 2026 йил 6 май кунини соат 10.00 дан бошлаб жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши маълум қилинади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2026 йил 30-апрель ҳолати билан тузилган.

Кун тартиби:

1. “Муборакнефтьгазмонтаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссиясининг сон ва шахсий таркиби ҳамда йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
 2. “Муборакнефтьгазмонтаж” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгариш киритилишини тасдиқлаш.
- Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўрилайётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар рўйхатига қуйидагиларни киритиш:**
- “Муборакнефтьгазмонтаж” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши санок комиссиясининг сон ва шахсий таркиби бўйича маълумот;
 - “Муборакнефтьгазмонтаж” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгариш киритилиши маълумот.

“Муборакнефтьгазмонтаж” АЖ кузатув кенгаши.

“Муборакнефтьгазмонтаж”

акциядорлик жамияти бош директори лавозимига танлов ўтказилади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 мартдаги ПФ-101-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни ва “Муборакнефтьгазмонтаж” акциядорлик жамиятининг Уставига асосан “Муборакнефтьгазмонтаж” акциядорлик жамияти ижро этувчи органнинг бош директори лавозимига номзод бўйича танлов эълон қилинади!

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда чет эл давлатлари фуқаролари қатнашишлари мумкин.

Танлов қатнашчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлиш;
- қурилиш-монтаж ишлари соҳасидаги бошқарув лавозимларида камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш;
- корхонанинг молиявий-ҳужалик фаолияти таҳлилини амалга ошириш қобилияти;
- давлат тили ва рус тилида эркин мулоқот қилиш, инглиз ва бошқа чет давлатлар тилларини билиш маълумланади;
- компьютер программаларида мукамал ишлаш олиши, IT ресурсларининг янги турларини билиш ва улардан самарали фойдалана олиш;
- корпоратив бошқарув бўйича малакага эга бўлиш;

Шахсий фаилатлар:

- масъулятлилик, интизомлилик, ташаббускорлик, креативлик;
- стратегия ва оператив қарорлар қабул қила олиш қобилияти;
- жамоа тузиш ва унинг фаолиятини самарали ташкил этилиш қобилияти;
- тартиблилик, мулоқотга кириш лаёққати, таҳлилий фикрлаш қобилияти;
- музокаралар олиб бориш тажрибаси;
- тигиз шароитда натижали ишлаш олиш қобилияти.

Номзодларга қўйиладиган талаблар

- Куйидаги шахслар номзод бўла олмайд:
- олий маълумоти бўлмаган шахслар;
- раҳбарлик лавозимидида камида икки йил иш тажрибасига эга бўлмаган шахслар (ушбу мулдат комиссия томонидан давлат иштирокидаги корхонанинг хусусияти ва аҳамиятидан келиб чиқиб кўпроқ ёки камроқ этиб белги-ланиши мумкин);
- ушбу шахслар айби билан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги сабабли, кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш учун лицензияни бекор қилиш пайтида бундай шахслар якка ижроия органи вазифасини бажараётган бўлса ёки коллегиял ижроия органи таркибига кирса ёки юридик шахс таъсисчилари ҳисобланса ва бундай лицензияни бекор қилгандан уч йилдан кам вақт ўтган бўлса;
- суриштирув-тергов органлари томонидан ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилётган ёки мазкур органлар ҳамда тегишли судлар иш юритишида унга нисбатан бирон-бир иш қўрилиб чиқилаётган бўлса;
- иқтисодийёт соҳасида ёки бошқарув тартибига қарши жиноят содир этганлиги сабабли судланганлик ҳолати тугалланмаган бўлса, шунингдек коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестрига кири-тилган бўлса;
- суд ҳўқимида биноан муайян лавозимда ишлаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахс бўлса;
- бундай шахс банкрот этиб топилган пайтда юридик шахсининг якка ижроия орган вазифасини бажарган ёки коллегиял ижроия органи таркибига кирган бўлса ва уни банкрот деб топган пайтдан ҳали икки йил ўтмаган бўлса;
- давлат иштирокидаги корхона негизда ташкил қилинган жамиятлардаги фаолияти давомида юзага келган муносабатлар ҳусусида мазкур корхона ёки жамиятларга нисбатан кейин-чилик турли хил қўрнинидаги даъво аризалари ва бошқа ҳаракатларни амалга оширган бўлса;
- 25 ёшга тўлмаганлар.

Ваколатли давлат органи ва/ёки комиссия томонидан корхона фаолиятдан келиб чиқиб, қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: номзодлар комиссияга танлов эълон қилинган санадан бошлаб эълонда белгиланган талаблар доирасида ўзи ҳақидаги қуйидаги барча ҳужжат ва маълумотларни ёпиқ конвертларда тақдим этади:

- танловда қатнашишга розилиги, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаши ва танловда

- голиб бўлган тақдирда ишга ёллаш шартномасини тузишга розилиги билдирилган, ўз кўли билан ёзилган ариза; маълумотнома-объективка (белгиланган шаклдаги);
- автобиография (батафсил кўрсатилсан: биографик маълумотлар, иш жойидаги ўзгаришлар оилавий ҳолати, яқин қариндошлари: турмуш ўртоғи, отаси, онаси, ака-укалари, сингиллари, болалари тўғрисида маълумот, уларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган санаси, жойи, қаерда, ким бўлиб ишлади, буларнинг бирортаси жиноий жавобгарликга тортилганми, тортилган бўлса нима учун, ва бошқалар);
- паспорт нусхаси;
- касбий маълумоти (диплом), иш стажини ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, сертификатлар ва бошқалар;
- фото сурат (рангли, 9х6 см) – 1 дона;
- мавжуд бўлса охириги тўлиқ йилда олинган давлат муқофотлари, Вазирлар Маҳкамаси (унинг Департаменти) ёки унинг қошида барпо этилган давлат комиссиясининг мазкур номзодни қўллаб-қувватлаши ҳақидаги хати, давлат ташкилотлари томонидан номзодга берилган ва икитидан кам бўлганлар ҳурмат ёрлиқлари (ҳурмат дипломулари);
- алоқа учун маълумотлар (телефон рақами, электрон почта манзили ва бошқалар).

Танлов ўтказиш тартиби

Номзодлар комиссияга танлов эълон қилинган санадан бошлаб эълонда белгиланган талаблар доирасида ўзи ҳақидаги барча ҳужжат ва маълумотларни ёпиқ конвертларда тақдим этади. Танлов шартлари, номзодларга қўйилган талаблар, номзодлар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати эълонда кўрсатилиши лозим.

1. Танлов ёпиқ ёпиқда ўтказилади:

биринчи bosқичда, комиссия номзодларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар, шунингдек қўшимча манба ва ўрганишлардан олинган маълумотлар асосида баҳолайди, баҳолаш натижалари ва номзоднинг аризалари (ёпиқ конверт) ни очиб жараёнидаги иштироки пайтидаги қисқа фикрлари, таклифлари ва режаларидан келиб чиқиб, номзодлар ичидан сўхбат bosқичига номзодлар саралаб олинади.

Иккинчи bosқичда, комиссия саралаб олинган номзодлар ичидан битта номзодни танлаш учун сўхбат ўтказилади.

Баҳолаш натижаларига кўра, комиссия бўш раҳбарлик лавозимлари учун энг юқори балл тулпаган номзодлар ичидан саралаш асосида қисқа рўйхатни (шорт лист) тузади. Саралаш жараёнида номзодларнинг энг юқори балл тулпаганлиги, салбий ҳулосалар йўқлиги, танлов шартлари ва номзодларга қўйилган талабларга мос келиши инобатга олинади.

Тузилган қисқа рўйхат (шорт лист)да бўш раҳбарлик лавозимларига номзодлар сони 3 кишидан ошмаслиги керак.

Сўхбат томонлар келишувига кўра ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда видеоконференция алоқаси орқали ўтказилиши ҳам мумкин. Номзод сўхбатдан ўтишдан бош торса ёки сўхбатга келмаса, у танловнинг кейинги bosқичларида иштирок эта олмайд.

Биринчи bosқичда “Муборакнефтьгазмонтаж” акциядорлик жамияти бошқарув органи раҳбарининг лавозимига танлов ўтказиш бўйича Низомнинг иловасида кўрсатилган мезонлар асосида баллар умумлаштирилади.

Иккинчи bosқичда ҳар бир номзод томонидан тақдим этилган жамият иқтисодий, молиявий ҳолатини яхшиловчи чора-тадбирлар дастури кўриб чиқилади.

Иккинчи bosқич талаби бажарилиши учун жамиятнинг мавжуд иқтисодий, молиявий ҳолати, кўрсаткичлари билан танишиш www.mpbgnaj.uz жамият сайтидан, oreninfo.uz корпоратив маълумотлар ягона порталидан, самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш Агенлигининг сайтидан маълумот олиниши мумкин.

Танлов ҳужжатларини топшириш муддати 2026 йил 10 апрелдан бошлаб 2026 йил 9 май соат 00.00 га қадар.

Ҳужжатларни “Муборакнефтьгазмонтаж” АЖ Акциядорлар корпоратив муносабатлар бўйича бўлимига топшириш зарур.

Маълумот учун телефон: +998 97 229 12 73
Косимов Алишер Динарович.

Жаҳон архитектураси

▼ Колизей.

Колизей меъморчилик тафаккурининг абадий намунаси

Қадимги Рим цивилизацияси инсоният тарихида нафақат сиёсий ва ҳуқуқий тизими, балки юксак меъморчилик ютуқлари билан ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ана шундай буюк обидалардан бири Колизей бўлиб, у асрлар давомида нафақат Рим шахрининг, балки бутун инсоният меъморчилигининг рамзига айланиб келмоқда.

Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мазкур иншоот ўз даври учун улкан муҳандислик ечими, мукамал дизайн ва функционал режалаштириш намунаси сифатида қадрланади.

Колизей милодий I асрда, аниқроғи, 72-80-йиллар оралиғида Флавийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида қурилган. Иншоот қурилиши император Веспасиан ташаббуси билан бошланиб, унинг ўғли Тит даврида якунланган. Бу иншоотнинг расмий номи эса Флавий амфи-театри бўлиб, у Рим жамиятида оммавий томошалар ўтказиш учун мўлжалланган энг йирик ареналардан бири ҳисобланган.

Меъморий жиҳатдан Колизей эллипс шаклида қурилган бўлиб, унинг узунлиги тахминан 189 метр, кенлиги 156 метр ва баландлиги қарийб 48 метрни ташкил этади. Иншоот бир вақтнинг ўзига 50-65 мингга яқин томошабинни сиғдира олгани ўша давр учун бекиёс кўрсаткич ҳисобланади. Бу эса, қадимги рим-ликларнинг муҳандислик ҳисоб-китоблари ва лойиҳалаш салоҳияти нечоғлик юксак бўлганини кўрсатади.



Ўтмиш ва замонавийлик уйғунлиги

Колизей қурилишида асосан, травертин тоши, туф, бетон ва гипсдан фойдаланилган. Айниқса, қадимги Рим бетони (opus caementicium)нинг қўлланилиши иншоот мустаҳкамлиги ва узоқ муддат сақланиб қолишида хал қилувчи омил бўлган. Ушбу бетон тури сув ва вақт таъсирига чидамли бўлиб, булғунги замонавий қурилиш материалларининг илк прототиби сифатида қаралади.

Иншоотнинг ташқи фасади уч қаватли аркалар тизими билан безатилган бўлиб, ҳар бир қаватда турли ордер услублари, жумладан, дорик, ионик ва коринф ордерлари қўлланилган. Бу эса, меъморчиликда эстетик ва композицион мувозанатни таъминлаган. Аркаларнинг бундай тизимли жойлашуви нафақат кўркамлик, балки юкни тенг тақсимлаш орқали конструктив барқарорлиқни ҳам таъминлаган.

Колизейнинг ички тузилиши ҳам ўта мураккаб ва пухта ўйланган. У ерда "типогей" деб аталувчи ерости йўлаклари, ҳайвонлар ва гладиаторлар учун махсус хоналар ва механизмлар мавжуд бўлган. Бу тизим орқали саҳнага тез ва қўтилмаган чиқишлар амалга оширилган. Бундай инженерлик ечимлари ҳозирги замон стадион ва ареналарининг техник жиҳатдан илди-зи сифатида баҳоланади.

Ақлли светофорлар – ҳақиқатдан ҳам тирбандликни камайтирадими?



Нима учун алмаштириш шарт?

Эски устунларни қолдириш техник жиҳатдан имконсиз эканлигининг учта асосий сабаби бор:

- **яширин коммуникациялар:** янги стандартларга кўра, барча кабеллар (кувват ва марказий бошқарув билан боғловчи оптик толали алоқа) ер остидан ўтказилади. Эски устунлар шамол, ёғингарчилик ва қўтилмаган узилишлардан химояланган бундай "яширин" тизим учун мослаштирилмаган.

- **конструкциянинг мустаҳкамлиги:** замонавий светофор – бу транспорт оқимини ўлчовчи датчиклар ва видеоаналитика камераларини ўз ичига олган мураккаб технологик ечимдир. Ушбу сезгир ускуналар аниқ ишлаши учун устундаги тебранишлар минимал бўлиши шарт. Янги таянчлар зарурий мустаҳкамликка эга бўлиб, эски устунлардаги тебранишлар туфайли маълумотларни ўқишда юзага келадиган хатоларни бартараф этади.



Сайёҳлик салоҳияти янада кенгаймоқда

Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудида жойлашган хушманзара гўша, сўлим "Сангардак" шаршараси азалдан ўзининг мафтункорлиги билан машҳур. Баландлиги 150 метрдан иборат бўлган мазкур шаршара XVI асрда туркиялик сайёҳ Сейди Али Раиснинг "Мамлакатлар кўзгуси" номли асаридда ҳам алоҳида тилга олинган ва у тоғдан ёмғирдек сув томчилари тинмай оқиб туришини ҳайрат билан ёзган.


Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Табиат инъом этган бу маскан инфратузилмасини замонга мос лойиҳалар асосида қайта қўриб чиқиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 декабрдаги "Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, маҳаллий ва хорижий компаниялар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган замонавий лойиҳалар бўйича 615 гектар майдон ажратилди. Ҳозирда "Сангардак" туристик марказида бунёдқилинган ишлари олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилояти Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш дирекцияси-дан олинган маълумотга кўра, ҳудудда бунёд этилган 3,2 километр узунликдаги тоғ дор йўли сўнгги синондан ўтказиб бўлинди. Айни пайтда 5 та замонавий меҳмонхона, 80 та уй меҳмонхонаси, 7 та бунғалов, 6 та маданий ҳордиқ ва спорт иншооти, 25 та ресторан, кафе, савдо дўконлари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш масканлари каби 130 дан ортиқ лойиҳалар бўйича қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳукуматимизнинг эътибори туфайли кейинги йилларда вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган туризм соҳаси ривожлантирилиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Натيجида, ҳудуддаги сайёҳлик манзилларини қўриш мақсадида ташриф буюраётган туристлар сони ортмоқда. Жумладан, 2025 йили вилоятга 2 миллион 800 минг маҳаллий ва 850 минг нафардан ортиқ хорижий туристлар келиб, тарихий обидалар, археологик ёдгорликлар, бетақор табият манзаралари ҳамда бошқа манзилларни томоша қилган. Шунинг ҳисобига сайёҳлик хизматлари 200 миллиард сўмга, туристик хизматлар экспорти эса 150 миллион долларга етган. Жорий йилда инфратузилма жадал ривожлантирилиб, келиб-кетувчиларга зарур шароитлар яратиш ҳисобига вилоят 3 миллиондан ортиқ маҳаллий ва 1 миллионга яқин хорижий сайёҳни қабул қилиб, туризм хизмати ҳажми ҳамда экспортини бир неча баробарга ошириш тадориғини кўрмоқда.

– Охириги йилларда соҳани ривожлантиришга йўналтирилган юксак эътибор натижасида ўнлаб лойиҳа амалда таътиб этилди, – деди вилоят Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш дирекцияси раҳбари Эркин



▼ "Сангардак" замонавий сайёҳлик маркази.

Эшкелдиев. – Ҳозирги кунда улар нафақат сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилаётти, балки хизматлар кўрсатиш салмоғи ва сифатини оширмоқда. Тоғли масканда қурилаётган "Сангардак" замонавий сайёҳлик маркази ҳам шундай имкониятлар каторида аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўринга эга. У тўла қувват билан ишга тушгач, 2

минг нафардан ортиқ кишининг доимий бандлиги таъминланади.

Бугунги кунда ушбу мажмуада бунёдқорлик ишлари қизғин паллага кирган. Марказга элтувчи йўллар қуриб битказилди. Техникалар кучидан самарали фойдаланаётган қурувчилар лойиҳада белгиланган иншоотларни муддатидан кўриб битказишга ҳаракат қилишмоқда.



Тахрир ҳайъати:
Шерзод Хидоятлов (Тахрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожидин Эшқувватов, Қозим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Муҳасших – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "ЎзГАНҚЛИТИ" МЧЖ, "ЎзшахарсозликЛИТИ" ДМ, "Қишлоқ қурилиш инвести" ИК МЧЖ, "ЎзгеорантметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.

Бухоро вилояти: 99-704-66-69.

Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.

Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.

Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.

Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.

Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-441. 1336 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – 21.05 Топширилди – 22.35.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 14 - 16 апрель саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ички аудит бўлими бошлиғи **Одилжон Ҳайитов**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси буюртмачилар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Шаҳбоз Турсунқулов**, ҳайдовчи **Рустам Ғуломов**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Бино ва иншоотлар қурилиши бўйича етакчи мутахассиси **Сардор Асатиллаев**,

"Ўзоғирсанотлоийха" АЖ ООРТР етакчи муҳандиси **Шегай Светлана**, ИЛСК бошлиғи **Тоҳиржон Ботиров**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш

ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Дильфуза Кутлымуратова**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Асқар Норқобилов**, Буюртмачилар билан ишлаш шўъбаси бошлиғи **Жоничбек Асқаров**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ бошқарув раиси **Илҳом Тўраев**, Фарғона шаҳар "Қиргули" филиали фарроши **Шаҳноза Азизова**, Бухоро вилояти "Бухороэнергомарказ" АЖ оператори **Малика Темирова**, смена бошлиғи **Сужроб Ҳамроев**, юк ташувчи **Умиджон Амонов**, "Бухоро" филиали оператори **Шерзод Шодиев**, Бехруз Ҳасанов, Дилмурод Мирхонов, нозим-муҳандис **Бахтиёр Ҳикматов**, "Қашқадарё

вилояти" филиали 4-сонли Қозонхона бошлиғи **Бекмурод Аҳмедов**, Самарқанд вилояти" филиали Иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатувчи чилангари **Насиба Ражабова**, Навоий вилояти "Конимех" филиали кимёвий таҳлил лаборанти **Роза Пардаева**, "Навоий" филиали иш юритиш бўйича мудири **Светлана Кизтуганова**, тракторчи **Мирёқуб Пулатов**, Иссиқлик тармоқлари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар **Бахтиёр Сейдаметов**, "Зарафшон" филиали қозонхона оператори **Навбахор Ҳамроева**, Сувни кимёвий тозалаш аппаратчиси **Гулниза Розиюқунова**, электр жиҳозларига хизмат кўрсатиш монёрлари **Азизбек Талибов**, **Кенжемурат Турсинбоев**, Ахборот технологиялари мутахассиси **Шаҳноза Усмонова**, "Сирдарё" вилояти филиали

бош муҳандиси **Аброр Ғўзиев**, Тошкент вилояти "Чирчиқ" филиали ижро интизоми ходими **Азиза Далимова**, назоратчи **Шахло Холбоева**, 22-мактаб к/оператори **Абдусалом Исмаилов**, "Тошкент вилояти" филиали ишлаб чиқариш техник бўлими бош мутахассиси **Сирожидин Зайниддинов**, Тошкент тумани филиали 2-микрараён қозонхонаси оператори **Умид Қазақбаев**,

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Шинам сервис плюс" БСК МЧЖ бош директори **Тамара Ҳамидоваларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!